

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНинг ҚАРОРИ

## ЭНЕРГИЯ САМАРАДОРЛИГИ ВА ЭНЕРГИЯНИНГ ТИКЛАНАДИГАН МАНБАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ БҮЙИЧА РЕСПУБЛИКА КОМИССИЯСИ ТҮҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА



LexUZ шарҳи

Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 февралдаги 161-сонли «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириши ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш түғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Идоралараро коллегиал органларни тубдан қисқартиши ва янада оптималлаштириши чора-тадбирлари түғрисида» 2018 йил 28 августдаги ПФ-5527-сон Фармони)»ги қарорига асосан ўз кучини йўқотган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2015 — 2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сарфи ҳажмини қисқартириш, энергияни тежайдиган технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари дастури түғрисида» 2015 йил 5 майдаги ПҚ-2343-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Энергия самарадорлиги ва энергияни тикланадиган манбаларини ривожлантириш масалалари бўйича Республика комиссияси түғрисидаги низом **1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг **2-иловага** мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг **3-иловага** мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари F.I. Ибрагимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2015 йил 13 август,  
238-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 13 августдаги 238-сон қарорига  
**1-ИЛОВА**

### Энергия самарадорлиги ва энергияни тикланадиган манбаларини ривожлантириш масалалари бўйича Республика комиссияси түғрисида НИЗОМ

#### I. Умумий қоидалар

1. Энергия самарадорлиги ва энергияни тикланадиган манбаларини ривожлантириш масалалари бўйича Республика комиссияси (кейинги ўринларда Республика комиссияси деб аталади) иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани барқарор ривожлантириш ва уларнинг фаолият кўрсатиши учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида энергия самарадорлиги, энергияни тикланадиган манбаларини жорий этиш ва ривожлантириш, ёқилгини қазиб олиш, ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш, ташиш ва истеъмол қилиш (кейинги ўринларда ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш деб аталади), энергия ва унинг манбалари соҳасида давлат ва хўжалик бошқаруви органларини назорат қилиш ва уларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш бўйича мувофиқлаштирувчи орган ҳисобланади.

2. Республика комиссияси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси **Конституцияси** ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига,

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Низомга ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.

3. Республика комиссияси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот беради.

Республика комиссияси Қорақалпоғистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси вилоятлари ва Тошкент шахрининг энергия самарадорлиги ва энергиянинг тикланадиган манбаларини ривожлантириш масалалари бўйича ҳудудий комиссияларидан (кейинги ўринларда ҳудудий комиссиялар деб аталади) иборат.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари ҳудудий комиссияларнинг раҳбарлари ҳисобланадилар.

Ҳудудий комиссияларнинг намунавий таркиби, вазифалари, функциялари ва ҳуқуқлари Республика комиссиясининг раиси томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Республика комиссиясининг ишчи органи (кейинги ўринларда комиссиянинг Ишчи органи деб аталади) ҳисобланади.

## **II. Республика комиссиясининг вазифалари**

4. Кўйидагилар бўйича чора-тадбирларни ташкил этиш Республика комиссиясининг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари ҳисобланади:

ялпи ички маҳсулотнинг энергия сарфи ҳажмини қисқартириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергияни тежайдиган технологиялар ва тизимларни жорий этиш;

факат замонавий энергия жиҳатидан самарали ва энергияни тежайдиган технологиялар базасида янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш ва мавжудларини модернизациялашни давом эттириш йўли билан ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг энергия сарфи ҳажмини пасайтириш;

ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш бўйича ташкилий-техник тадбирларни ва энергияни тежаш дастурларини ишлаб чиқиш ва бажариш;

корхоналар ва ташкилотларни халқаро амалиётга мувофиқ энергетик текшириш (энергетик аудит);

иктисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергиянинг тикланадиган манбаларини, шу жумладан қуёш энергиясидан фойдаланишнинг синаб кўрилган технологияларини ривожлантириш, жорий этишни жадаллаштириш;

энергияни тежайдиган асбоб-ускуналар, приборлар ва материалларнинг янги турларини, шунингдек ёқилғи-энергетика ресурслари сарфини ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимларини ишлаб чиқиши кенгайтириш, уларни ҳамма жойда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада жорий этиш;

замонавий архитектура-қурилиш ечимларини ва қурилиш конструкцияларининг янги, энергияни тежайдиган турларини, шунингдек изоляцияловчи материалларни қўллаш орқали турар жой ва маъмурий биноларни, саноат обьектларини қуришда ва мавжудларини реконструкция қилишда энергия самарадорлигини таъминлаш;

энергия самарадорлигини ва энергиянинг тикланадиган манбаларини жорий этиш ва ривожлантириш соҳасида асосий йўналишларни ишлаб чиқиш ва амалда рўёбга чиқариш юзасидан давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг келишилган ҳаракатларини таъминлаш;

энергия самарадорлигини ва энергиянинг тикланадиган манбаларини жорий этиш ва ривожлантириш соҳасида ҳуқуқий тартибга солишини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш, шунингдек уларнинг амалга оширилишини мувофиқлаштириш;

энергия жиҳатидан самарали иқтисодиётни шакллантиришга ва энергия тежалишини рағбатлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратишга йўналтирилган таклифларни кўриб чиқиш;

энергия самарадорлиги, энергиянинг тикланадиган манбаларини жорий этиш ва ривожлантириш соҳасида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари фаолиятини мувофиқлаштириш, энергияни тежашнинг тармоқ, минтақавий дастурларини, шунингдек ёқилғи ва энергиянинг муқобил турларини фаол қўллаган ҳолда ёқилғи-энергетика ресурсларини диверсификациялаш чора-тадбирларини амалга ошириш;

табиий монополиялар субъектларининг энергия жиҳатидан самарави технологияларни ва энергиянинг муқобил манбаларини жорий этишга йўналтирилган ривожланишнинг устувор дастурлари ва инвестиция дастурлари амалга оширилиши мониторингини олиб бориш, ўз эҳтиёжлари ва технологик эҳтиёжлар учун ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишда ёқилғи ва энергия сарфларини мақбуллаштириш;

ички бозорнинг ёқилғи-энергетика ресурсларига бўлган эҳтиёжларини, шу жумладан ёқилғи ва энергиянинг муқобил турларини жалб этган ҳолда ёқилғи-энергетика балансларини диверсификациялаш йўли билан қондириш;

энергия самарадорлигини, энергиянинг тикланадиган ва муқобил манбаларини ривожлантириш ва жорий этишни рағбатлантирувчи тариф сиёсати масалалари бўйича таклифларни кўриб чиқиш;

иктисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлиги ва энергиянинг тикланадиган манбалари принциплари ва технологияларини жорий этишда маъмурий тўсиқларни камайтириш;

иктисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлиги ва энергиянинг тикланадиган манбаларини жорий этиш ва ривожлантириш соҳасида тармоқ, минтақавий узоқ муддатли дастурларни ишлаб чиқиш, уларнинг самарадорлиги ва бажарилиши натижалари ҳолатини таҳлил қилиш;

энергия самарадорлигини, энергиянинг тикланадиган ва муқобил манбаларини жорий этиш ва ривожлантиришни рағбатлантириш мақсадида қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифларни кўриб чиқиш;

ёқилғи-энергетика ресурсларидан самарави фойдаланиш юзасидан назоратни амалга оширувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда энергетик текширишлар (энергетик аудит) бўйича хизматлар кўрсатувчи корхоналар ва ташкилотларнинг энергия самарадорлиги бўйича тавсиялари бажарилиши мониторингини олиб бориш;

худудий комиссиялар фаолиятини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш.

### **III. Республика комиссиясининг ҳуқуқлари**

#### **5. Республика комиссияси:**

ўз мажлисларида Республика комиссиясининг ваколатига тегишли бўлган масалалар бўйича Республика комиссияси аъзоларининг, ҳудудий комиссиялар, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, ташкилотлар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари раҳбарларининг ҳисботларини эшитиш;

иктисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сарфи хажмини қисқартиришга, энергияни тежайдиган технологияларни жорий этишга йўналтирилган чора-тадбирлар бажарилишини таъминлаш бўйича тегишли қарорлар қабул қилиш, ҳудудий комиссиялар, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, ташкилотлар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари раҳбарларига топшириқлар бериш;

Ишли орган орқали сўровлар юбориш йўли билан Республика комиссияси ваколатларига тегишли масалалар бўйича ҳудудий комиссиялар, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, ташкилотлардан зарур материалларни сўраш ва олиш;

зарурият бўлганда Республика комиссияси ишига илмий-тадқиқот муассасалари, жамоат бирлашмаларининг, шунингдек бошқа ташкилотларнинг мутахассисларини жалб этиш;

ёқилғи-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш соҳасида қонун ҳужжатларига риоя этилиши, ёқилғи-энергетика ресурсларини ишлаб чиқарishнинг самарадорлигини таъминлаш ва истеъмол қилишнинг ҳолати, энергия самарадорлиги,

энергиянинг тикланадиган манбаларини жорий этиш ва ривожлантириш, ёқилғи ва энергиянинг муқобил турларини жалб этган ҳолда ёқилғи-энергетика балансларини диверсификациялаш чора-тадбирлари амалга оширилиши устидан назорат қилиш масалаларида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек худудий комиссиялар фаолиятини мувофиқлаштириш;

ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги ёқилғи-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш, энергиянинг тикланадиган манбаларини жорий этиш ва ривожлантириш соҳасида қонун ҳужжатлари бузилишига олиб келган раҳбарлар ва мансабдор шахсларга нисбатан чора-тадбирлар кўриш тўғрисида тавсиялар бериш хукуқига эга.

Республика комиссияси амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа хукукларга ҳам эга бўлиши мумкин.

6. Республика комиссиясининг раиси ёки унинг ўринbosарининг топшириғи бўйича энергияни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш соҳасида норматив-хукуқий ҳужжатларни қабул қилиш зарур бўлганда вазирликлар ва идоралар Республика комиссиясига белгиланган тартибда таклифлар киритадилар.

7. Республика комиссиясининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда ташкилотлар томонидан бажарилиши мажбурийдир.

#### **IV. Республика комиссиясининг функциялари**

8. Республика комиссияси ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ:

иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлиги ва энергиянинг тикланадиган манбаларини жорий этиш ва стратегик ривожлантиришни тадқиқ қилиш масалалари бўйича республикада ишларни бажарувчи худудий комиссиялар, корхоналар ва ташкилотлар, шунингдек халқаро ташкилотлар миссияларининг фаолиятини мувофиқлаштиради;

ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш бўйича ташкилий-техник тадбирлар ва энергияни тежаш, энергиянинг тикланадиган манбаларини жорий этишнинг тармоқ дастурлари ишлаб чиқилишини ташкил қиласди, шунингдек уларнинг бажарилиши мониторингини олиб боради;

халқаро амалиётга мувофиқ корхоналар ва ташкилотларни энергетик текширишларни (энергетик аудитларни) ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашади;

Республика комиссиясининг ваколатларига тегишли масалалар бўйича худудий комиссияларнинг, шунингдек корхоналар ва ташкилотларнинг фаолияти ўрганилишини ташкил этади;

энергияни ҳисобга олиш, назорат қилиш ва бошқариш асбобларини, энергия жиҳатидан самарали ва экологик хавфсиз энергетика қурилмаларини ишлаб чиқариш бўйича саноат базаси ривожланишига кўмаклашади;

энергияни ишлаб чиқариш ва истеъмол килишда ундан оқилона фойдаланиш, энергетик текширишларни (энергетик аудитларни) ташкил этиш ва ўтказиш масалалари бўйича худудий комиссиялар, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради;

корхоналар, ташкилотлар, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан ёқилғи-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалаларини ўрганиш бўйича ишларни белгиланган тартибда ташкил этади;

республикада иқтисодиёт тармоқларида ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ҳамда энергиянинг тикланадиган манбаларини стратегик ривожлантиришни жорий этиш ва тадқиқ қилиш, кам углеродли энергияни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалалари бўйича ишларни бажарадиган ташкилотларнинг, халқаро ташкилотлар миссияларининг (дастлабки, оралиқ, якуний) ҳисботларини эшитади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, ташкилотларнинг иқтисодиёт тармоқларида ва ижтимоий соҳада энергетика бўйича текширувларни (энергетика бўйича

аудитларни), объектларни энергетика бўйича паспортлаштиришни ташкил этиш, ўтказиш ва уларнинг самарадорлиги масалалари бўйича ҳисботларини эшитади;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорларининг бажарилиши ҳакида худудий комиссиялар раҳбарларининг энергия самарадорлигини ва энергиянинг тикланадиган манбаларини жорий этиш ва ривожлантиришга доир тадбирларнинг улар томонидан амалга оширилиши бўйича ҳисботларини эшитади;

(8-банднинг ўн биринчи хатбоюнини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 8 авгуустдаги 605-сонли қарори таҳтирида — ЎР ҚҲТ, 2017 й., 32-сон, 817-модда)

энергияни тежайдиган лойиҳалар ҳамда энергиянинг муқобил манбаларини ишлаб чиқаришга жалб этишни таъминловчи лойиҳалар бўйича лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиши молиялаштириш, энергияни тежайдиган технологиялар ва ишлаб чиқаришларнинг жорий этилишини назарда тутадиган лойиҳаларнинг инвестиция жалб этувчанлигини ошириш, ёқилғи-энергетика ресурсларини истеъмол қилиш ва улардан фойдаланишни ҳисобга олиш, уларнинг режимларини назорат қилиш ва бошқариш тизимларини, шунингдек энергияни тежашнинг норматив-хукуқий базасини такомиллаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг тақдимномалари бўйича энергия таъминотининг маҳсус республика тармоқлараро ҳисоб рақамидаги пул маблағларидан мақсадли фойдаланиш юзасидан қарорлар қабул қиласди;

худудий комиссияларнинг намунавий тузилмасини, вазифалари, хукуқлари ва функцияларини тасдиқлади.

## V. Республика комиссияси ишларини ташкил этиш

9. Республика комиссиясига раис бошчилик қиласди, у Республика комиссияси фаолиятига раҳбарликни ишчи орган орқали амалга оширади.

10. Республика комиссияси раиси:

Республика комиссияси ишларини ташкил қиласди;

Республика комиссияси фаолиятининг истиқболли ва жорий режаларини белгилайди;

Республика комиссияси мажлисининг кун тартибини тасдиқлади, шунингдек Республика комиссияси мажлисини чақиради ва бошқаради;

Республика комиссияси ва худудий комиссиялар аъзоларига, ижро этувчи ҳокимият органларига Республика комиссиясига юкланган вазифаларни амалга ошириш билан боғлиқ масалалар бўйича топшириқлар беради;

Республика комиссияси мажлиси протоколларини тасдиқлади.

11. Республика комиссияси раисининг ўринbosари бўлади, у Республика комиссияси раиси бўлмаган вақтда унинг вазифаларини бажаради ва:

Республика комиссияси раисининг топшириғига биноан Республика комиссияси мажлисини бошқаради;

Республика комиссиясининг ўзи ўтказган мажлислари натижалари бўйича қабул қилинган протоколларни тасдиқлади.

Республика комиссияси раисининг ўринbosари Республика комиссияси раисининг бошқа топшириқларини ҳам бажариши мумкин.

12. Республика комиссияси ишларни Республика комиссияси раиси томонидан тасдиқланадиган ҳар йилги иш режасига асосида ташкил қиласди.

Республика комиссияси мажлислари тасдиқланган иш режасига мувофиқ, лекин ҳар чоракда камида бир марта ўтказилади.

13. Иш режасига мувофиқ Республика комиссияси томонидан энергияни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишда унинг самарадорлигини ва ундан оқилона фойдаланилишини ўрганиш, ёқилғи ва энергия ишлаб чиқарадиган асбоб-ускуналарнинг, энергия таъминоти тизимлари ва тармоқларининг техник холати, энергиянинг тикланадиган манбалари ривожланиши билан боғлиқ масалалар, шунингдек Республика комиссияси функцияларига мувофиқ бошқа масалалар белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Тасдиқланган иш режасига мувофиқ кун тартибидаги масалаларни ўрганиш Республика комиссияси аъзоси бошчилик қиласидиган ишчи гурух томонидан, жойига борган ҳолда ташкил этилади. Ишчи гурухларнинг таркиблари Республика комиссияси раиси ёки унинг ўринбосари томонидан тасдиқланади.

Ишчи гурухлар масалаларни ўрганиш натижалари бўйича умумлаштирилган маълумотномани кейинчалик умумлаштириш ва Республика комиссиясига тақдим этиш учун Республика комиссиясининг ишчи органига топширади, маълумотномага ўрганилган масалалар бўйича Республика комиссиясининг келишилган қарорини илова қиласиди.

Тасдиқланган иш режасига мувофиқ Республика комиссияси мажлисининг кун тартибидаги масала бўйича материаллар ишчи органга масала кўриб чиқиладиган ойнинг 20-кунидан кечикмай, лекин мажлиснинг тегишли хабарномада кўрсатилган ўтказиладиган санасидан уч кун олдин тақдим этилади.

14. Республика комиссияси мажлисида масалалар худудий комиссиялар, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар, Тошкент шахри ҳокимликлари, корхоналар ва ташкилотлар раҳбарларини таклиф этган ҳолда кўриб чиқилади.

Мажлисга таклиф этилган шахсларнинг рўйхати Республика комиссиясининг раиси ёки Республика комиссиясининг ўринбосари томонидан тасдиқланади.

15. Қабул қилинган қарорлар Республика комиссияси мажлисининг протоколи билан расмийлаштирилади ва тегишли бажарувчиларга етказилади.

16. Республика комиссиясининг ишчи органига қўйидагилар юкланди:

Республика комиссияси қарорларининг бажарилиши юзасидан тизимли назоратни ташкил қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 5 майдаги ПҚ-2343-сон қарори билан тасдиқланган 2015 — 2019 йилларда иқтисодиёт тармоқларида ва ижтимоий соҳада энергия сарфи ҳажмини қисқартириш, энергияни тежайдиган технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари Дастурининг — «йўл ҳаритаси»нинг, энергия самарадорлигини ошириш, энергиянинг тикланадиган манбаларини жорий этиш ва ривожлантириш, ёқилғи-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш соҳасидаги бошқа тегишли қонун хужжатларининг ўз вақтида бажарилишини таъминлашга доир амалий чора-тадбирлар режасининг рўёбга чиқарилиши юзасидан ўз вақтида ва сифатли, фактларга асосланган мониторингни амалга ошириш;

худудий комиссиялар, ташкилотлар, шунингдек иқтисодиёт тармоқларида ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ҳамда энергиянинг тикланадиган манбаларини стратегик ривожлантиришни жорий этиш ва тадқиқ қилиш, кам углеродли энергияни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалалари бўйича ишларни бажарадиган халқаро ташкилотлар миссиялари фаолиятини мувофиқлаштириш;

иқтисодиёт тармоқларида ва ижтимоий соҳада энергия сарфини қисқартириш, энергияни тежайдиган технологияларни ва энергиянинг тикланадиган манбаларини жорий этиш бўйича худудий ва тармоқ дастурларининг бажарилиши юзасидан мониторингни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси худудида энергетика текширувларини (энергетика аудитини) ўтказиш хизматлари кўрсатадиган юридик шахсларни аккредитация қилишни ва уларнинг реестрини юритишини, энергетика текшируви (энергетика аудити) натижалари, маҳсулотлар ва хизматларнинг энергия сарфи бўйича энергетика паспортлари маълумотлари базасини шакллантиришни ташкил этиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг энергия самарадорлигини ҳамда энергиянинг тикланадиган манбаларини жорий этиш ва ривожлантириш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

Республика комиссиясининг ҳар йилги иш режалари лойиҳасини, шунингдек Республика комиссияси мажлислари материалларини тайёрлаш.

17. Республика комиссиясининг ишчи органи ўз функцияларини амалга ошириш доирасида қўйидаги хукуқларга эга:

худудий комиссиялардан, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашидан, вилоятлар ва Тошкент шахри ҳокимликларидан, давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, ташкилотлардан Республика комиссияси ваколатига кирадиган масалалар бўйича ахборотларни сўраш ва олиш;

энергия самарадорлигини, энергиянинг муқобил ва қайта тикланадиган манбаларини ривожлантириш ва жорий этишни рағбатлантириш масалалари бўйича таклифларни қўриб чиқиш ва киритиш;

Республика комиссиясига юклangan вазифаларни ҳал этиш билан боғлиқ айrim муаммолар бўйича таклифларни, шу жумладан тартибга солиб борилиши Республика комиссияси ваколатига кирадиган масалалар бўйича республикада ишлаётган ҳалқаро ташкилотларни жалб этган ҳолда ишлаб чиқиш учун вақтинчалик ва доимий ишлайдиган эксперт ҳамда ишчи гурухлар ташкил этиш;

жойларда ишчи гурухларнинг кун тартибидаги масалаларини ўрганиш, Республика комиссияси мажлисига материалларни тайёрлаш ишларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, уларнинг натижадорлигини таъминлаш мақсадида қўшимча ўрганишлар ўтказиш;

худудий комиссияларда, давлат ва хўжалик бошқаруви органларида, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шахри ҳокимликларида, ташкилотларда Республика комиссияси ваколатига кирадиган масалалар бўйича материаллар билан танишиш, улардан Республика комиссияси фаолиятини амалга ошириш, энергия самарадорлиги ва энергиянинг тикланадиган манбаларини жорий этиш бўйича қўриб чиқиладиган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш учун зарур бўлган ахборот ва материалларни олиш.

18. Республика комиссияси котиби қўйидагиларни таъминлайди:

Республика комиссиясининг иш режасини ишлаб чиқиш, унинг бажарилишини назорат қилиш, шунингдек тасдиқланган иш режасига мувофиқ Республика комиссиясининг жорий ишларини ташкил этиш;

жойлардаги энергия самарадорлигининг ҳолати масалаларини ўрганувчи ишчи гурухлар билан биргаликда Республика комиссияси мажлисига материаллар тайёрлашни ташкил этиш;

худудий комиссиялар, вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда Республика комиссияси томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши юзасидан назоратни амалга ошириш, Республика комиссияси раисига тегишли ахборот ва таклифларни киритиш;

тушган хат-хабарларни қўриб чиқиш ҳамда Республика комиссияси ваколатига кирадиган масалалар бўйича қарорлар тайёрлаш;

ёқилги-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш бўйича таклифлар тайёрлаш ва Вазирлар Махкамасига киритишни ташкил этиш.

19. Республика комиссияси котиби ўз функцияларини амалга ошириш доирасида қўйидаги хукуқларга эга:

худудий комиссиялар, вазирликлар, идоралар ва ташкилотлардан Республика комиссиясининг фаолияти, Республика комиссияси топширикларининг бажарилиши ва уларнинг ҳолати билан боғлиқ масалалар бўйича ахборотлар сўраш;

худудий комиссиялар, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi ва Тошкент шахри ҳокимликларидағи Республика комиссияси ваколатига кирадиган масалалар бўйича материаллар билан танишиш, шунингдек улардан Республика комиссияси фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган ахборот ва материалларни олиш.

## **Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуматининг айrim қарорлариға кирилаётган ўзгартериш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 9 мартағи 124-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 1994 й., 3-сон, 15-модда) билан тасдиқланган Ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун иқтисодий жазоларни қўллаш тўғрисидаги низом III бўлимининг **7-банди** қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Энергия таъминотининг маҳсус республика тармоқларо хисоб рақамидаги пул маблағларидан кейинчалик солиқ солинмасдан, Энергия самарадорлиги ва энергиянинг тикланадиган манбаларини ривожлантириш масалалари бўйича Республика комиссиясининг қарорига кўра белгиланган максадлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг тақдимномасига кўра, энергияни тежайдиган лойиҳалар ҳамда энергияни тежайдиган технологиялар ва ишлаб чиқаришларни жорий этиш, ёқилғи-энергетика ресурслари истеъмоли ҳамда улардан фойдаланиш режимларини хисобга олиш, назорат қилиш ва бошқариш тизимларини, энергия тежамкорлигининг норматив-хукуқий базасини тақомиллаштиришни назарда тутувчи энергиянинг муқобил манбаларини ишлаб чиқаришга жалб этиш, лойиҳаларнинг инвестициявий жозибадорлигини оширишни таъминлайдиган лойиҳалар бўйича лойиҳаолди ва лойиҳа хужжатларини ишлаб чиқишни молиялаштириш учун фойдаланилади».

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджетдан маблағ билан таъминланадиган ташкилотларда хизмат енгил автотранспортдан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида» 1999 йил 2 апрелдаги 154-сон қарорининг **8-банди** қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзнефтмаҳсулот» акциядорлик компанияси Энергия самарадорлиги ва энергиянинг тикланадиган манбаларини ривожлантириш масалалари бўйича Республика комиссияси ишчи органининг сўровномаси бўйича нефть маҳсулотлари, суюлтирилган ва сиқилган газнинг белгиланган лимитдан ортиқча сарфланиши тўғрисидаги маълумотни кейинчалик ортиқча сарфланишга йўл қўйган корхоналарга жавобгарлик чоралари кўриш бўйича таклифлар киритиш учун тақдим этади».

### *Олдинги таҳрирга қаранг.*

(3-банд Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 апрелдаги ПҚ-2934-сонли қарорига асосан ўз кучини йўқотган — ЎР КХТ, 2017 й., 20-сон, 355-модда)

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан ташкил этилган республика комиссиялари ва кенгашлари раҳбарлари таркиби тўғрисида» 2004 йил 9 февралдаги 60-сон қарорига 1-илованинг 6-банди қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«6. Энергия самарадорлиги ва энергиянинг тикланадиган манбаларини ривожлантириш масалалари бўйича Республика комиссияси	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 5 майдаги ПҚ-2343-сон қарори
---	--

»

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 августдаги 164-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2006 й., 8-сон, 61-модда) билан тасдиқланган Ёқилғи-энергетика ресурслари истеъмолчиларини энергетика текширувидан ва экспертизадан ўтказиш Қоидаларининг **3-бандидаги** «Ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш бўйича комиссия» сўzlари «Энергия самарадорлиги ва энергиянинг тикланадиган манбаларини ривожлантириш масалалари бўйича Республика комиссияси» сўzlари билан алмаштирилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «2015 йил учун электр энергияси ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш баланси тўғрисида» 2015 йил 12 мартағи 58-сон қарорининг 3-бандидаги «Ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш бўйича комиссия» сўzlари «Энергия самарадорлиги ва энергиянинг тикланадиган манбаларини ривожлантириш масалалари бўйича Республика комиссияси» сўzlари билан алмаштирилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 13 августдаги 238-сон қарорига  
3-ИЛОВА

## Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган қарорлари

### РЎЙХАТИ

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш комиссияси таркибини тасдиқлаш тўғрисида» 2003 йил 18 ноябрдаги 518-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2003 й., 11-сон, 122-модда)
2. Вазирлар Маҳкамасининг «Республика комиссия ва кенгашлари таркибини тасдиқлаш тўғрисида» 2004 йил 26 июлдаги 358-сон қарорига 6-илова.
3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш ҳамда баъзиларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2005 йил 22 февралдаги 73-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2005 й., 2-сон, 13-модда) 2-илова 36-бандининг **тўртинчи хатбоши**.
4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида» 2007 йил 12 марта ПҚ-601-сон ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида» 2007 йил 22 марта ПҚ-607-сон қарорлари)» 2007 йил 11 майдаги 96-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2007 й., 5-сон, 26-модда) 1-илова 6-бандининг **«а» кичик банди**.
5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини қисман ўзгартириш тўғрисида» 2008 йил 8 августдаги 174-сон қарори)» 2008 йил 20 сентябрдаги 213-сон қарорига илова 5-бандининг **«а» кичик банди**.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида» 2012 йил 13 ноябрдаги ПФ-4483-сон Фармони)» 2013 йил 9 сентябрдаги 244-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2013 й., 9-сон, 64-модда) 1-илова 45-бандининг **«а» кичик банди**.

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 32-сон, 433-модда; 2017 й., 20-сон, 355-модда, 32-сон, 817-модда)